

**Хусанов М.Х.**

## **МАХСУС САВОЛ ТАРЗИДАГИ АУДИТНИНГ ЗАРУРИЯТИ**

**Ўзбекистон, СамИСИ**

**Аннотация:** *Мақолада махсус саволлар аудитининг зарурияти, унинг турлари, ўтказиши тартиблари баён қилинган.*

**Калит сўзлар:** *махсус савол, аудит, режса, дастур.*

**Аннотация:** *В статье описывается необходимость аудита специальных вопросов, его виды, процедуры.*

**Ключевые слова:** *специальный вопрос, аудит, план, программа.*

**Abstract:** *The article describes the need for an audit of special questions, its types, procedures.*

**Keywords:** *special question, audit, plan, program.*

Иқтисодиётимизни ривожлантиришда корхоналар ўрни бекиёсдир. Корхоналар фаолияти қанчалик ривожланса бу ўз навбатида иқтисодиётни ҳам ривожлантиришга сабаб бўлади. Шу боисан ҳам корхоналар фаолиятини тўғри ташкил этиш мухим масалалардан биридир. Корхоналар фаолиятини тўғри ташкил этишда аудиторлик хизмати ўрни алоҳида ахамиятга эга бўлган омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Президентимиз ўзларининг қатор маъruzalariда аудиторлик фаолиятига ҳам тўхтаб ўтадилар. “Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари умумэътироф этилган ҳалқаро аудит стандартларига тўлиқ мос эмас, бу эса хорижий инвесторларда маҳаллий корхоналар молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигини тушуниш кўникмасининг шакилланишини таъминлайди. Аудиторлик хизматлари бозорининг ривожланиши учун шароитларни янада яхшилаш ва аудиторлик фаолиятини тартибга солиша ҳалқаро стандартларга мувофиқ замонавий ёндашувларни жорий этиш лозим”<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup>“Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини надаривожлантиришчора-тадбирларитўғрисида” ги Қарори 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон.

Мамлакатимизга хорижий инвесторларни жалб қилишнинг бир омили сифатида барқарор, ишончли ва жаҳон тан олган аудиторлик ташкилотларини вужудга келишидир. Хорижий инвесторлар тан олинган аудиторлик ташкилотларининг хulosаларига қараб ўз инвестицияларини жойлаштиради. Шу сабадан ҳам аудиторлик фаолияти кун сайин ривож топиб бормоқа.

Махсус савол тарзидаги аудит аудитнинг бир бўлاغи бўлиб ҳисобланади. Махсус савол тарзидаги аудитга тариф беришда биз аудитга берилган таърифларни ўрганиб чиқишимиз мақсадга мувофиқ.

Профессор К.Б.Уразов аудиторлик фаолияти моҳиятини қўйидагича эътироф этган:  
Аудиторлик фаолияти махсус аудиторлик ташкилотининг бошқа юридик шахсларга кўрсатаётган хизматларининг мажмуаси, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг махсус бўлимлари ёки ходимларининг тасдиқланган Низомларга кўра юритаётган иш фаолияти ҳисобланади.<sup>2</sup>

Доцент Х.Н.Мусаев аудитнинг моҳиятини қўйидагича эътироф этган:  
«Аудит –бу муайян ваколатлар берилган шахслар, яъни аудиторлар томонидан хўжалик юритаётган субъектлар фаолиятларининг Республикада қабул қилинган қонун-қоидаларга мувофиқлигини текшириш йўли билан баҳолаш ва холисона хulosалар беришdir»<sup>3</sup>

Юқорида келтирилган таърифлардан келиб чиқиб, бизнингча, махсус саволлар аудитининг мақсади мазкур корхонада махсус саволлар бўйича амалга оширилган барча хисоб китоблар республикамида амалда бўлган меъёрий хужжатлар, солик кодекси ва бошқа солик қонунчилигига мослигини, уларнинг молиявий ҳисботларда тўғри акс эттирилганлигини текшириш йўли билан баҳолаш ва холисона хulosалар беришdir.

Жавоб бериши муҳим долзарб масалалардан ҳисобланади.

---

<sup>2</sup>К.Уразов. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Маъруза матнлари тўплами. II-қисм, Самарқанд, СамИСИ, 2004.


<sup>3</sup> Мусаев Х.Н. Аудит. Дарслик, «Молия» нашриёти, Тошкент, 2003, 18-бет.

Шу нүктаи назардан, аудиторлик текширувини 2 гурӯҳга бўлишимиз мумкин:



### 1-чизма. Аудиторлик текширувининг гурӯҳлари.

Молиявий ҳисоботлар аудити компания ва фирмалар томонидан тузилган молиявий ҳисбот шаклларидағи кўрсаткичларни бухгалтерия ҳисоби маълумотларига мос келишини текшириб баҳо бериш ҳисобланади. Махсус саволлар аудити алоҳида масалалар бўйича текшириш ва унинг натижалари бўйича аудиторлик ҳисботини тузиш ҳисобланади. Бундай текширишни 2 гурӯҳга бўлиш мумкин.<sup>4</sup>



### 2 чизма. Махсус саволлар бўйича аудитнинг шакиллари.

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 15-моддасига мувофиқ аудиторлик текшируви назорат қилувчи ёки хуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ташаббусига кўра аудиторлик ташкилоти томонидан, улар ўртасида хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини

<sup>4</sup>И.Н.Кўзиев “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, февраль, 2019 йил

аудиторлик текширувидан ўтказиш юзасидан тузилган шартномага асосан ўтказилади.

Корхоналар махсус саволлар бўйича аудиторлик текширувидан ўтказишнинг бошланғич босқичи бўлиб режалаштириш ҳисобланади. Режалаштириш жараёни З босқичда амалга оширилади:

- Дастребаки режалаштириш;
- Аудитнинг умумий режасини тайёрлаш ва тузиш;
- Аудит дастурини тайёрлаш ва тузиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, махсус саволлар аудити жараёнида қўйидаги амаллар бажарилади:

### Махсус саволлар аудитини режалаштиришнинг асосий амаллари

- Субъект тўғрисида умумий маълумотлар йиғиш
- Мижозларнинг хуқуқий мажбуриятлари ҳақида маълумотлар йиғиш
- Аудит муҳимлилиги ва мақбул хатарлик даражасини баҳолаш
- Аудитнинг умумий режаси ва дастурини ишлаб чиқиш

### 3-чизма. Махсус саволлар аудитини режалаштиришнинг асосий амаллари.

Бугунги кунда мамлакатимизда аудиторлик фаолиятининг ривожланиши учун катта замин яратилди. Бу эса аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш, улар ўртасида кучли рақобатнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Аудиторлик фаолиятини ривожлантириш бир мунча хозирги фаолият юритаётган кадарлар салоҳиятига ҳам боғлиқдир. Кучли аудиторларни етказиб чиқариш олий таълим муассасалари нинг ҳам асосий вазифаларида бири сифатида қаралмоқда.

Биз маҳсус саволлар аудити бўйича олиб борган тақиқотларимиз натижасида қўйидаги хуносаларга келдик:

1. Маҳсус саволлар аудитининг мазмун моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари мамлакатимиз олимлари томонидан етарлича очиб берилмаган;
2. Айнан маҳсус саволлар аудити бўйича маҳсус хорижий адабиётлар ҳам мавжуд эмас. Бу эса хали бу борада қилиниши лозим бўлган ишларнинг кўплигидан далолатdir;
3. Маҳсус саволлар бўйича аудитни ўтказиш кўпинча хуқуқни ҳимоя қилувчи органлар томонидан ташкиллаштирилмоқда;
4. Маҳсус саволлар бўйича аудитни ўтказиш маҳсус билимларни талаб қиласди. Чунки маҳсус савол айнан бир соҳани чуқурроқ ўрганиш учун амалга оширилади;
5. Мамлакатимизда маҳсус саволлар бўйича аудиторлик стандартлари мавжуд эмас фақатгина “Маҳсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи” 80-сонли АФМС мавжуд. Халқаро даражада эса № 800 “Маҳсус мақсадга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисботлар аудитининг хусусиятлари”, №805 “Маҳсус молиявий ҳисботлар ва молиявий ҳисботдаги маҳсус элементлар, счёtlар ёки моддалар аудитининг хусусиятлари” ва №810 “Қисқа молиявий ҳисботлар бўйича хуноса тайёрлаш бўйича топшириқлар” номли стандартлар мавжуд.

Биз тадқиқот натижасида қўйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

1. Маҳсус саволлар аудитининг наъмунавий дастури ва режаси ишлаб чиқилди;
2. Мамлакатимизда маҳсус саволлар аудити номли стандартни ишлаб чиқиши;
3. Маҳсус саволлар аудити бўйича аудиторларда кўниkmаларни ҳосил қилиш учун қўпроқ малака ошириш курсларини ташкил этиш лозим.

Юқоридаги таклиф ва тавсияларимиз маҳсус саволлар аудити сифатини янада оширади деб ўйлаймиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон.
2. К.Уразов. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Маъруза матнлари тўплами. II-қисм, Самарқанд, СамИСИ, 2004.
- 3.Мусаев Х.Н. Аудит. Дарслик, «Молия» нашриёти, Тошкент, 2003, 18-бет.
- 4.И.Н.Кўзиев “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, февраль, 2019 йил.
5. Shirinov U. The ways of accounting over telephone communication services in the existence of billing systems //TRANS Asian Journal of Marketing & Management Research (TAJMMR). – 2017. – Т. 6. – №. 2and3. – С. 23-31.  
<https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:tajmmr&volume=6&issue=2and3&article=003>
6. Ширинов У. А. и др. Учет расходов в субъектах оказывающих услуги телерадио //Интернаука. – 2019. – №. 5-2. – С. 19-21. URL:  
<https://internauka.org/journal/science/internauka/87>
7. Ширинов У. А. и др. Телефон хизматларидан олинадиган даромадлар ҳисобини такомиллаштириш //Интернаука. – 2019. – №. 2-2. – С. 83-85. URL:  
<https://internauka.org/journal/science/internauka/84>
8. Shirinov, U. (2020) "ACCOUNTING IN THE DIGITAL ECONOMY: SIGNIFICANCE AND ADVANTAGES," International Finance and Accounting: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 23. Available at:  
<https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss3/23>
9. Худайбердиев Н., Ширинов У., Алибоев А. РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ // Интернаука: электрон. научн. журн. 2021. № 7(183). URL: <https://internauka.org/journal/science/internauka/183> (дата обращения: 12.05.2021). DOI:10.32743/26870142.2021.7.183.251828